

Баркамол авлодни вояга етказишда маънавий мероснинг ўрни

**ЖДПИ Ижтимоий фанлар
кафедраси ўқитувчиси
Ижод Аҳмедов**

Бугунги кунда маънавият масаласи ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидан бирига айланиб қолди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага катта ва узлуксиз эътибор бериб келинмоқда¹. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ҳар бир нутқи ва маърузалари, мақола ва асарларида юксак маънавият келажак пойдевори эканлиги қайта – қайта таъкидланмоқда. “Зеро, - деб уқтиради Каримов И.А., - биз жамиятимиз тараққиётини фақатгина иқтисодий, ижтимоий фаровонлик билангина эмас, халқимизнинг маънавий баркамоллиги, демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг кишилар онгида нечоғлиқ чуқур илдиз отиши билан баҳолаймиз”².

Эркесвар халқимиз мустақиллик туфайли ўз ери, ўз тили, ўз динига эга бўлди; миллий ғурури, иззат обрўси тикланиб, эндиликда кадриятларимиз, маънавий меросимиздан баҳраманд бўлмоқдамиз. Мустақиллик ва маънавият бир – бирига ғоят боғлиқ тушунчалардир. Маънавияти буюк халқни қул қилиш, абадий истибдод зулми остида сақлаш мумкин эмас. Бундай маънавиятнинг камол топиши, қалбларга сингиши учун Мустақилликни мустаҳкамлаш ҳам лозим бўлади. Қудратли келажаги буюк давлатлар, буюк ижтимоий – иқтисодий ислохотлар қудратли маънавият замирида вужудга келади. Ҳар бир алоҳида шахснинг ва бутун миллатнинг маънавий камолоти орқали демократик ҳукуқий давлат барпо этилади. Давлатимиз раҳбари шу боис ҳам маънавият ва маърифатга доимо катта эътибор бериб келмоқда. Шу оқилона сиёсат туфайли халқимиз ўзлигини таниб, ўз шажарасини идрок этмоқда, тарих олдидаги вазифасини англаб олмоқда.

Ҳар қандай даврда вужудга келган дунёқараш, албатта, табиий равишда қайсидир даражада дунёнинг яратилиши, унинг ривожланиш омиллари, сир – синоати, унда ёш авлоднинг пайдо бўлиш ва шаклланиш омиллари, инсоннинг мўъжизавий олами каби муаммолар атрофидаги дастлабки тасаввурларга бориб тақалади. Ана шу ҳолатда ўз – ўзидан баркамол инсонда тарихга қизиқиш, тарих моҳиятини билишга интилиш эҳтиёжи юзага келади. Бу бевосита тарихни ва инсоният тараққиёти босқичларини фалсафий идрок этиш, фалсафий тушуниш ва фалсафий хулосалар орқали мантиқий хулосаларга келиш имконини беради.

Тарихий дунёқарашнинг илмий, дунёвий фалсафа категорияси сифатидаги мавқеи унда инсон қай даражада акс этгани, аниқроғи, тарихий

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., Маънавият, 2008, 23-бет

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., Ўзбекистон, 1995, 1-2-б.

жараёнга қай даражада иштирок этганини ифодалагани билан белгиланади. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарих алоҳида халқлар, миллатлар бўладими ёки умуминсоният тақдирига дахлдор бўладими, тараққиётнинг яхлит жараёни сифатида яратилиши биланоқ унинг моҳиятида дунёвий мазмун пайдо бўлади.

Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, халқимиз ҳаёти ва турмуши юксалишида ҳамда мамлакатимиз тараққиётида муваффақиятларга эришиш қийин. Ислоҳотларнинг биринчи босқичида миллий маънавиятни юксалтириш йўлида кўзланган мақсад тўла амалга оширилди ва иккинчи босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга замин ҳозирланди. Маънавий, мафкуравий парокандалик даврига барҳам берилди. Ижтимоий ҳодисалар билан бирга миллий маънавиятимиз юксала борди. Юртбошимиз Каримов И.А. таъкидлаганидек: “Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилашиш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли олға силжишида ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир...”¹. Ҳақиқатдан ҳам фақат маънавий эркин ва озод халқ, теран ва комил тафаккур туфайли ҳар соҳада катта ютуқларга эришиши мумкин. Бошқача айтганда, ...фақат маънавий соғлом, кучли жамиятгина ислоҳотларга тайёр бўлиши мумкин².

Маънавий тарбия соҳасида кўзбўямачиликка йўл қўйиш ниҳоятда хатарли. Маънавият жамият ҳаётининг шундай бир нозик, аҳамиятли соҳасики, бу борада хўжақўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутилмаган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бу соҳада ўзи бўларчилик ва лўттивозликка йўл қўйиб бўлмайди. Кишиларда, хусусан, ёшларда янги маънавиятнинг шаклланиши анча мураккаб ва машаққатли жараён ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун кенг қўламли маданий, тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади. Эски тузум шароитида таркиб топган маънавий инқирозга барҳам бериш, янги тафаккурга эга бўлган инсонни шакллантириш мураккаб, муайян даврни талаб қилувчи, аста – секин амалга ошадиган жараён бўлганлиги сабабли тарихнинг бурилиш даврларида жамият ҳаётида маънавий бўшлиқ ҳолатлари ҳам юзага келиши табиийдир. Бу бўшлиқ жамият учун иқтисодий, сиёсий инқирозга нисбатан анча хатарлироқ кечади. Бунга кейинги вақтларда юз берган мудҳиш воқеалар мисол бўла олади. Шу сабабли тарихий бурилиш даврларда объектив тарзда юзага келадиган бундай ҳолатларни чуқур англаб, уларга тўғри муносабатда бўлиш лозим. Мамлакатимиз раҳбарияти буни тўғри англаб, бундай ҳолатларнинг қалқиб юзага чиқишининг олдини фақат фуқароларимиз, аввалом бор ёшларимизнинг имон – эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш орқалигина олиш мумкинлигини, мустақиллик тафаккури,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., Ўзбекистон, 1999, 299-300-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., Ўзбекистон, 1999, 306-б.

тарихий дунёқарашини, маънавиятини шакллантириш, мақсад, вазифа, воситалари йўлларини излаб топиш, ҳаётга жорий этиш орқали ҳал этиш мумкинлигини таъкидлаб келмоқда. Зотан, ёш мустақил мамлакатимизнинг келажаги учун маънавияти юксак, баркамол инсонлар зарур. Шунинг учун ҳам юртбошимиз “Юксак маънавият – келажак пойдевори”³ деган ҳикматли шиорни янада баландроқ кўтардики, юксак маънавият мустақилликни мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва такомиллаштириш учун муҳим ва зарурий тамойиллардан бири бўлиб қолди.

Маънавиятли ва эътиқодли кишилар ўз маслаги, Ватани учун жонини фидо қилишга ҳам тайёрдирлар. Ўзбекистон бозор муносабатларига тўла ўтаётган даврда маънавий – ахлоқий кадриятларнинг аҳамияти тобора ўсиб бораётганлиги маънавий баркамол авлодни тарбиялашни энг долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Шу маънода юртбошимиз И.А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” номли маърузаларидаги қуйидаги фикрларга эътиборни қаратмоқ лозим: “Бу соҳадаги ишларимизнинг пировард мақсади – имон эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантиришдир. Яъни мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурига таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялашдан иборат”¹. Бозор муносабатлари учун ҳам юксак маънавиятли ва ахлоқ – одобли, иқтидорли, билим савияси юқори ва чуқур, зукко, ишбилармон, ишчан кишилар зарур. Қашшоқ маънавият, маънавий ахлоқий султ, билим савияси юзаки ва паст, ишнинг кўзини билмайдиган кишилар бозор муносабатларида кўзланган мақсадга эриша олмайдилар. Бундан хулоса шуки, ҳеч кечиктирмай, иккиланмай маънавий – маърифий тарбия масаласи ҳақида ўйлаш, уни тўғри йўлга солиш вазифаси келиб чиқади. Бунда биз маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деган ўгитига амал қилишимиз зарур.

Эндиликда маънавий-маърифий тарбия мустақил давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки Президентимиз таъкидлаганидек, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Юртдошларимизнинг техникавий билими, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий – маънавий салоҳият, маърифатли тарбия яхлитлиги ишимизни шу қоидага асосланиб қурмоғимиз замон, мустақил тараққиётимиз, бозор муносабатлари даври талабидир.

Аввало шуни айтиш керак-ки, маънавий баркамол инсон тушунчасининг ўзи кенг қамровли, серқирра тушунча. Маънавий баркамол инсон – комил инсон тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда, маънавий

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., Маънавият, 2008, 24-бет

¹ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., Ўзбекистон, 1999, 13-14 б.

баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида – алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади.

Мустақилликка эришиб, маънавият ва маърифат масалаларига биринчи даражали аҳамият беришимиз мустақилликни мустаҳкамлаш вазифалари, тарбия соҳасида соғлом авлод, маънавий баркамол инсон, комил инсон каби тушунчаларга изоҳ беришни, уларнинг моҳиятини очиб беришни тақозо этмоқда. Юқорида айтганимиздек улар моҳияти бирдай тушунчалар. Инсонни тўғрилиқка, ҳалолликка, покликка, ватанпарварликка ва инсонпарварликка, эзгуликка ва қўйингки, юксак ахлоқликка йўллаш бу тушунчаларнинг моҳияти ва мазмунини ташкил этади. Ҳозирги кунда бу масалаларга биринчи даражали аҳамият беришимизнинг боиси – имони, эътиқоди ва ахлоқий фазилатлари, қўйингки, маънавияти кучли, миллий маъсулият туйғуси қалбида чуқур илдиз отган, маънавий баркамол фуқароларга эга мамлакатгина мустақил ва барқарор ривожлана олади. Буюк келажак маънавий баркамол инсонларга таянгандагина яратилади, қад кўтаради. Бошқача айтганда, маънавий баркамол инсонларгина буюк келажакни ярата оладилар. Шунинг учун маънавий баркамол инсонни, соғлом авлодни тарбиялаш муҳим ва долзарб масала. Бу масалада юртбошимизнинг қуйидаги сабоғи ибратлидир: “Биз соғлом авлодни тарбиялаш, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки Шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз” Бу фикрлардан кўриниб турибдики, Шарқона одоб-ахлоқ ва умумбашарий ғояларни онгига сингдириб олган киши юксак маънавиятли, яъни маънавий баркамол, комил инсон ҳисобланади. Маънавий баркамоллик инсоннинг дунёқараши, эътиқоди, руҳияти, хулқ-атвор нормалари, ахлоқ-одоби билан бевосита алоқадорлиги билан ажралиб туради. Маънавий баркамол кишилар халқ тақдири ва фаровонлиги, Ватан тақдири ва унинг равнақини ўйлайдилар. Улар мутелиқда, қарамликда яшашни истамайдилар.

Соғлом деганда, биз фақатгина жисман бақувват фарзандларимизни эмас, балки маънавий бой авлодни, ақлий ривожланган, ахлоқий пок, маърифатли фарзандларни, авлодни тушунмоғимиз керак. Бундай кишилар ўзларида халқимизнинг энг ардоқли фазилатлари – имон ва инсоф, меҳр – оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, ор-номус, ўзаро ҳурмат, юксак Ватанпарварлик, элига ва халқига садоқат каби қадриятларни ва ғояларни мужассамлаштирган бўлишлари лозим¹.

Президентимиз эркин фуқаро, озод шахс, баркамол инсон ҳақида гапириб, қуйидаги тўрт жиҳатга эътиборни қаратди, яъни ҳар бир фуқаро:

¹ Жумабоев Й.Ж. Инсоннинг ҳаёт мазмуни. “Фан ва турмуш”, 1996, 3-сон.

- ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;
- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсин;
- атрофида содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;
- шахсий манфаатни мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин².

Булар баркамол инсон фазилатлари ҳақидаги аниқ ва тўлиқ таърифдир.

Маънавий баркамол инсон шон-шуҳрат, мансаб, моддий бойлик кетидан қувмайди, моддий қийинчиликларга дуч келганда, қадди букилмайди, баъзан уюштирилган тухмату-фитналар унинг руҳини тушира олмайди. Демак, ҳар қандай шум тақдир ва қисмат покиза, мард, маънавий баркамол инсон маънавиятини буза олмайди, балки мустаҳкамлайди, чиниктиради. Юксак даражадаги маънавиятга эга инсон – фидойилик, жасорат, мардлик, ўз халқини севиш, Ватанни қадрлаш, аждодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатлари билан ажралиб туради.

² Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т., Маънавият, 2008, 22-бет